**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

# B U Y R U G' I

2017 yil "06" 04 № 145

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги ПҚ 2867-сонли қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-1765-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фукароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида" 2012 йил 31 майдаги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПҚ 2867-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 апрел 2017 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПҚ 2867-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи (Ў.С.Исмаилов) 2017-2018 ўқув йилидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлган фуқароларга барча олий тиббий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синови натижалари бўйича ўзлари тўплаган баллнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз билан қабул қилиш тартибини барча олий тиббий таълим муассасалари раҳбарлари эътиборига етказсин.

3. Мазкур буйрук ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.М.Хаджибаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **А. Шадманов**

007044